

ISSN 2010-720X

ILIM HÁM JÁMIYET



FAN VA JAMIYAT

2023 (№4)


ISSN 2010-720X

2004-jildni mart ayidan baslap shiga basladi

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASI JOQARI
BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR
MINISTRILIGI**



**ÁJINIYAZ ATÍNDAGÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ**



ILIM hám JÁMIYET

Ilmiy-metodikaliq jurnal

**Seriya: Tábiyiy hám texnikaliq ilimler. Jámiyetlik hám ekonomikalıq ilimler
Filologiya ilimleri**

**Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat
pedagogika instituti**

FAN va JAMIYAT

Ilmiy-uslubiy jurnal

Seriya: Tabiiy va texnika fanlari. Ijtimoiy va iqtisodiy fanlar. Filologiya fanlari

**Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

**Серия: Естественно-технические науки. Социальные и экономические
науки. Филологические науки**

**Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz**

SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

**Series: Natural-technical sciences. Social and economic sciences.
Philological sciences**

№4

Shólkemlestiriwshi: Ájiniyaz atındaǵı Nókis
mámleketlik pedagogikalıq instituti hám jurnal redakciyası jámaáti
Shólkemlestiriw komiteti bashǵı: QODIROV Q. – NMPI rektori w.w.a.
Bas redaktor: PAZÍLOV A.

REDKOLLEGIYA AǴZALARÍ

f.i.d., prof. **Abdinazimov Sh.** (Nókis)
t.i.d., doc. **Abdullaeva Ya.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Ashirbaev S.** (Tashkent)
f.i.d. (DSc), doc. **Achilov N.** (Qarshi)
p.i.f.d., (PhD), doc. **Babaniyazova N.** (Nókis)
t.i.d. (DSc), doc. **Bazarbaev R.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Berdimuratova A.** (Nókis)
f.-m.i.d., doc. **Dawletmuratov B.** (Nókis)
f.-m.i.d. (DSc), prof. **Djumabaev D.** (Tashkent)
f.i.d., prof. **Raqimjan Turisbek** (Nur-Sultan)
b.i.d., doc. **Esimbetov A.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Eskeeva M.** (Nur-Sultan)
f.i.d., prof. **Eshonqulov J.** (Tashkent)
f.-m.i.d., prof. **Ismaylov Q.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Járimbetov Q.** (Nókis)
g.i.d., prof. **Jollibekov B.** (Nókis)
b.i.d., prof. **Jumanov M.** (Nókis)
b.i.d. (DSc), doc. **Jumamuratov M.** (Nókis)
f.-m.i.d., prof. **Kamalov A.** (Nókis)
f.-m.i.d., prof. **Kudaybergenov K.** (Nókis)
tex.i.d., doc. **Qayipbergenov A.** (Nókis)

f.i.d. (DSc), doc. **Qazaqbaev S.** (Nókis)
t.i.d., doc. **Qochanov B.** (Nókis)
b.i.d., prof. **Mambetullaeva S.** (Nókis)
b.i.d., prof. **Matchanov A.** (Nókis)
b.i.d. prof. **Omonov M.I.** (Termiz)
f.-m.i.d. (DSc), doc. **Otemuratov B.** (Nókis)
f.-m.i.d. (DSc), doc. **Prenov B.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Rahmonov N.** (Tashkent)
tex.i.d., prof. **Reymov A.** (Nókis)
t.i.d., doc. **Saribaev M.** (Nókis)
f.-m.i.d. (DSc) **Seytnazarov Q.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Suyunova N.** (Cherkas)
f.i.d., prof. **Sherbak S.** (S. Peterburg)
tex.i.d., doc. **Tagaev M.** (Nókis)
akademik, f.-m.i.d. **Temirbekov N.** (Alma-ata)
f.i.d., prof. **Turdimov Sh.** (Tashkent)
g.i.d., doc. **Turdimambetov I.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Twxliw B.** (Tashkent)
f.-m.i.d., prof. **Utewliw N.** (Nókis)
f.-m.i.d., prof. **Yavidov B.** (Nókis)

Juwaplı redaktorlar:

f.i.f.d., doc. **F.Sapaeva** – ózbek tili boyınsha
f.i.f.d., doc. **G.Kdirbaeva** – rus hám inglis tilleri boyınsha

Q.Biysenbaev - juwaplı xatker

Z.Xodjekeeva - korrektor
N.Allamuratova - operator

Jurnal 1992-juldan «Qaraqalpaqstan muǵallimi» atamasında shıǵarıla baslaǵan. 2004-julda «Ilim hám jámiyet» atamasına ózgertilip, 01-022-sanlı gúwalıq penen Qaraqalpaqstan Respublikası Baspasóz hám xabar agentligi tárepinen dizimge alınǵan.

2020-jıl 07-avgustta Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administracyası janındaǵı xabar hám ǵalaba kommunikacyalar agentligi tárepinen qayta dizimge alınıp, 1098-sanlı gúwalıq berilgen.

«Ilim hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirlar kabineti janındaǵı Joǵarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń qararı menen tórende kórsetilgen pánler boyınsha ilim doktori dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolǵan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00 – biologiya ilimleri;
- 05.00.00 – texnika ilimleri;
- 07.00.00 – tariyx ilimleri;
- 10.00.00 – filologiya ilimleri;
- 11.00.00 – geografiya ilimleri;
- 13.00.00 – pedagogika ilimleri;
- 19.00.00 – psixologiya ilimleri.

2) автор өз гүрриндеринде шаңарақтағы келис-пеўшиликлер, турмыс ғалма-ғалы сыяқлы мәселелерди жанлы мысаллар менен қарапайым сөйлеў тили талаплары тийкарында сүүретлеген;

3) гүрриндери қурылысы бойынша ретроспектив

лик, хроникалық хэм концентрик сюжетке қурылыўы менен парьқланады;

4) автор тәрәпинен көркем сүүретлеў қураллары да қахарманлардың хэм персонажлардың әдебий келбетин ашып бериўде белгили образлы хызметти атқарып жумсалған.

Әдебиятлар

1. Пазылов А. Мәккар хаялдың хийлеси. – Тошкент: «Yangi kitob», 2020. 48-б.
2. Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasi. –Toshkent: «O‘qituvchi», 2005. 272- b.
3. Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: 2008. 394-б.
4. Рахимов А. Ўзбек романи поэтикаси (сюжет ва конфликт): филол. фан.д-ри...дисс. автореф. – Тошкент: 1993. 52-б.
5. Рахимов А. Роман санъати. – Фарғона: 2001. 100-б.
6. Эшонкулов Ж. Фольклор: образ ва талкин. – Қарши: «Насаф», 1999. 172-б.
7. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: «Шарк», 2008. 368-б.
8. Шералиева М. Эркин Аъзам қиссаларида асосий сюжет вазиятлари//Илмий хабарнома АДУ, 2017 йил №3, 77-79-бб.
9. Тўраева Б. Тарихий романларда бадий замон муаммоси: Филол. фанлари фал. д-ри (PhD) дисс... автореф. – Т.: 2018.
10. Гуломов Д. Ретроспектив сюжет хусусида айрим мулоҳазалар. //FarDU. Ilmiy xabarlar. 2021 yil №4, 128-133-бб.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ҳикоялардаги сюжет хусусиятлари таҳлил қилинган. Тадқиқот объекти сифатида А.Пазиловнинг ҳикоялари ўрганилган. «Туш», «Турсунбойнинг уйланиши», «Ҳазил» ва бошқа ҳикояларидаги сюжет яратишдаги муаллифнинг бадий маҳорати мисоллар асосида таҳлилга олинган. Ҳикоялардаги қахрамон образини яратишдаги, туш мотиви, диалог ва бошқа тасвирий усулларини қўлланишдаги хусусиятлар ҳаётий воқеалар орқали берилиши илмий-назарий асосда таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируются особенности сюжета в рассказах. В качестве объекта исследования были изучены рассказы А. Пазылова. На основе примеров проанализировано художественное мастерство автора в создании сюжета в рассказах «Сон», «Плач Турсунбая», «Прикол» и других рассказов. На научно-теоретической основе проанализированы особенности создания образа героя в рассказах, использования мотивов сновидения, диалога и других изобразительных приемов.

SUMMARY. The article analyzes the features of the plot in the stories. The stories of A. Pazylov were studied as an object of research. The artistic skill of the author in creating the plot in the stories "Tush", "Crying of Tursunboy", "Hazyli" and other stories was analyzed on the basis of examples. The characteristics of the creation of the hero's image in the stories, the use of dream motifs, dialogue and other pictorial methods have been analyzed on a scientific-theoretical basis.

ДЎСТЛИККА КЎПРИК БЎЛГАН ИЖОД

(Рустам Мусурмон ижоди мисолида)

Г.Қурамбоева - филология фанлари доктори, доцент
Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Таянч сўзлар: ижод, бадий таржима, миллий колорит, образ, шеър, рамз, тасвир, табиат.

Ключевые слова: творчество, художественный перевод, национальный колорит, образ, стихотворение, символ, описание, природа.

Key words: creation, literary translation, national color, image, poem, symbol, image, nature.

Адабиётда, ижодда шундай анъаналар бўладики, ҳеч қачон эскирмайди, долзарблик хусусиятини, амалий аҳамиятини ҳам йўқотмайди. Шундай анъаналардан бири ҳар хил миллат ижодкорларининг шахсий дўстлиги, бир-бирларнинг адабиётлари учун қилган ғамхўрликлари, ўзаро фикр, тажриба алмашишларининг фойдали жиҳатларидир. Бу анъанани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барча қалам соҳиби учун ҳам масъулиятли вазифа.

Таникли қозоқ адиби Мухтор Шаханов анча йиллар илгари адабий дўстлик ҳақида матбуотда шундай ёзган эди: “Адабиётнинг хизмати бекиёс. Улкан дарёлар бор. Улар ҳеч бир чегара, тўсиқни тан олмайдилар, турли мамлакатларни кесиб ўтиб барчасига баравар оби ҳаёт улашади. Улкан ёзувчилар ҳам ўшандай дарёларга ўхшаш. Истайсизми, истамайсизми, адабиётни алоҳида катта шахслар яратади. Катта шахсларнинг дўстлиги эса халқларнинг дўстлигига айланади. Шу маънода мен Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхоздалар билан Мухтор Авезов, Собит Муқанов, Ғабит Мусреповларнинг дўстлигига доимо ҳайрат билан қарайман. Ижодкор ўз шахсининг эмас, ўз халқининг манфаати учун ҳам бошқа халқлар вакиллари билан дўстлашишга мажбур”[1].

Адабиётларнинг бир-бирлари билан алоқа ўрнатишида алоҳида ижодкорларнинг воситачилик роли жуда муҳим. Ҳеч бир адабиёт бошқа бир адабиёт билан муайян шоир ёки ёзувчи шахсиятсиз алоқа ўрната олмайди. Зеро, уларни бир-бирлари билан боғлаб турадиган “кўприк” бу - конкрет шоир ёки ёзувчи, унинг асарлари. Бу жаҳон адабиёти тажрибасида синалган ҳақиқат. Шунинг учун ҳам бир адабиётнинг иккинчи бир адабиёт билан алоқалари

тўғрисида сўз юритилганда, энг аввало, ўша адабиётдаги адабий дўстликка кўпроқ хизмат қилган ёки хизмат қилиб келаётган ижодкорнинг номи ва асарлари тилга олинади.

Ўз адабиётидан ташқари бошқа миллий адабиётларга ҳам хизмат қилиш ижодкор учун шараф. Бундай бахт ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон ижоди бу борада кўпчиликка ибрат. У қорақалпоқ адабиётининг энг яқин кадрдони. “Ўз шахсининг эмас, ўз халқининг манфаати учун” бошқа халқлар, хусусан, қорақалпоқ адабиёти вакиллари билан дўстлашди. Р.Мусурмонни рамзий маънода икки қанотли қушга ўхшатсак, унинг бир қаноти шеърятти бўлса, иккинчи қаноти бадий таржималари. Баъзан унинг таржималари шеърларидан ҳам кўпроқдек туюлади гўё. Жаҳон адабиёти, хусусан, болгар, венесуэла, поляк, фин, венгер шеърятидан қилган таржималари унинг байналмилалчилик ва дўстлик ғояларига садоқатли, ижодий тақдирини бошқа адабиётлар билан ҳам боғлаб қалам тебратиб келаётган сўз устаси эканлигини исботлайди. Пабло Неруда, Пер Лагерквист, Арон Тамаши, Альваро Юнке, Онелио Хорхе Кордосонинг ҳикоя ва қиссалари, рус адабиётидан Марина Цветаева, Белла Ахмадулина, Осип Манделштам, Велимир Хлебников шеърлари, қорақалпоқ мумтоз шоирлари Ажиниёз, Бердақдан тортиб Ибройим Юсупов, Ўразбой Абдурахмонов, Кенгесбой Каримов, Муратбой Низанов, Шароф Уснатдинов, Бахтиёр Генжемуратов, Солинбой Иброҳимов, Шарапатдин Аяпов каби адибларнинг насрий ва назмий асарлари Р.Мусурмон таржимасида ўзбекча оҳангларда жаранг сочди. 2021

йили шоирнинг “Йилнинг энг яхши таржимони” сифатида эътироф этилгани унинг таржимашунослик соҳасидаги фаолияти муносиб тақдирланганидан далолат.

Р.Мусурмоннинг айниқса, қорақалпоқ халқига нисбатан қардошлиқ меҳри ва ҳурмати бекиёс. Қорақалпоғистонда бирор адабий-маданий тадбир ёки шоир ва ёзувчиларнинг юбилеи йўқки, унда Р.Мусурмон иштирок этмаган, сўзга чиқиб икки қардош адабиётнинг дўстлиги, алоқалари тўғрисида илҳом билан сўзламаган, шеър ўқимаган бўлсин. Шоирнинг К.Каримов, Ў.Абдурахмонов, Ш.Аяпов, М.Низонов, А.Абдиев, Б.Генжемуратов, М.Аҳмад ва яна бир неча қорақалпоқ ёзувчилари ва шоирлари билан танишлиги, дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги халқларимиз ва адабиётларимиз дўстлигига хизмат қилаётгани ҳам ҳақиқат. Ўзбекистон халқ шоири Ибройим Юсупов таъбири билан айтганда: “Бир-бирларимизнинг асарларимизни ўқиш, ҳаётимизни телевидение орқали намойиш қилишнинг ўзи етмайди, кўзларимиз кўзларимизга тушиши, юзимиз-юзимиздан баҳра олиши, жонли мулоқотлар зарур [2]”. Р.Мусурмоннинг қорақалпоқ ўлкасига сафари, адиблар билан жонли мулоқотлари, бу халқ ҳаётини яхши ўргангани ёзилажак шеърлари учун материаллар тўплашга имкон туғдирган.

Ўз миллатидан ташқари бошқа миллатларга ҳам эҳтиром кўрсатиб, қадриятларини эъзозлайдиган, асарларида улар ҳаётининг турли кўринишларини миллий руҳда, байналмилал ғоялар билан уйғунлаштириб талқин этган ижодкор борки, у албатта мухлислар ҳурматини қозонади. Рустам Мусурмон мана шундай эътирофга сазовор бўлган, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари турмушидан ҳар хил бадиий шаклларда икки қардош халқнинг миллий менталитетини, ўзига хослигини назарда тутган ҳолда қалам тебратиб танилган ва тан олинган сўз устасидир. Шоирнинг 2022 йил нашр этилган “Бир жуфт сўз” [3] шеърини тўпламига кирган “Зотим чуют, мен ҳам қорақалпоқман” деб номланган туркум шеърлари фикримизга далил бўла олади. Бобдаги ўн учта шеърнинг ҳаммасида шоир қорақалпоқ мавзусининг турли қирраларини хилма-хил усулларда очиб беришга ҳаракат қилган. Шеърларнинг ҳар бир банди, ҳар бир мисрасида шу замин ва миллатга хос бетакрор хусусиятлар жилоланиб туради. Шоир шеърларида учрайдиган “*Хўжайлидан нари Кўнғирот, Устюрт*”, “*бўйин кўрсам қорақалпоқ ўғлонни, кўргандайман Едигени Қоблонни*”, “*Жайхур жилолаган дурсан, гавҳарсан*”, “*Шағала, шағала, шағиллайди шағала*”, “*Аму тошқинидай жўшар “Дам бермас*”, “*қанча чопсанг кўздан қочар кенгликлар*”, “*эл берган Отажон ҳофиз устозни*”, “*юрак – кема, Оролда қумларга ботиб қолган*” каби мисраларни ўқиган китобхон ўзини тасвир объектга дахлдордек, бирор жойда ўша воқеага гувоҳ бўлгандек ҳис қилади. Ушбу сатрлар шоирнинг қорақалпоқ мавзусидаги шеърларидан териб олинди. Р.Мусурмон қўллаган Қорақалпоғистонга хос атамалар, сўз санъати, бадиий деталлар, бетакрор табиат тасвири билан боғлиқ лавҳалар қорақалпоқ ҳаётининг бадиий кўзгусидир. Шоир маҳаллий шароитни эслатадиган характерли атамалар, халқ калбига сингиб кетган дostonлар, улардаги қаҳрамонлар, тарихий шахсларни шеърларига жо қилиб миллий қиёфалари билан табиий ва ишонарли тасвирлаган. Мисолларда тилга олинган атамалар, исмлар ва географик жой номлари, миллий анъаналар, ижтимоий-маънавий шароитни ёдга соладиган бошқа-да белгилардан шеърда қайси миллат

тараннум этилганини ўқувчи дарров пайқайди. Муаллиф поэтик маънони кучайтириш учун мавзуга мос раманларни танлаб шеър ғоясини очишда улардан фойдаланган.

“Зотим чуют, мен ҳам қорақалпоқман” туркумига кирган ҳар бир шеърнинг ўзига хос ифода шакли бор. “Ақчақўл”, “Халилла”, “Шағала”, “Оққу”, “Туронғил ва шамол”, “Кема”, “Қўшлар учиб келди Тўртқўлга” каби қасида, бағишлов, қорақалпоқ халқ кўшиқларини эслатадиган шеърларда қорақалпоқ руҳи уфуриб туради. “*Осмонларга қучоқ очар кенгликларини*”ни “*қирғовулга, анга тўла тўқайи*”ни, “*Қирққизлари от чоптирган бу диёр*”ни алоҳида меҳр билан миллий бўёқларда берган.

“Устюрт, Қорақалпоғистон қўрғони” шеърда шоир қорақалпоқ миллий-маҳаллий шароитини, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан бу ўлкада ўзгача ҳукм сурадиган ёзнинг жаримаси ва кишининг қаҳратонини реал тасвирлаган.

Бу чўлда қуш учса қаноти куяр,
Унда одам юрса, оёғи куяр,
Баҳорнинг кўқарган янтоғи куяр,
Чўлнинг гули қайда, тикони қайда?
Ёзда чўл чанг бўлар, аёзда тойғоқ,
Бепоён Устюртда қишлайди сайғоқ,
Она Ватан уйғоқ, табиат уйғоқ,

Яратганининг бундай жайрони қайда [3:11]?

Бу ўлкада кўп ижодий сафарда бўлиб, табиат манзараларининг гувоҳи бўлган шоир ҳаёт кўринишини образли шаклда, хилма-хил рангларда бера олган.

Ҳар қандай шоир шеърлатига жон бағишлайдиган фазилатлардан бири образлиликдир. Шоир лирик қаҳрамон характерини очишда табиатга мурожаат қилади, турли фасллардан образ танлайди, яъни табиатнинг турли манзараларини дилига жо қилиб, шу орқали фалсафий фикр айтишга муваффақ бўлади. Шоир шеърларида учрайдиган “*қиш*”, “*ёз*”, “*баҳор*”, “*янтоқ*”, “*бепоён чўл*”, “*сахродаги қум*”, “*туронғил*”, “*шамол*”, “*балиқ*”, “*чағалай*”, “*ўрдак*”, “*оққу*” ва ҳақозалар шунчаки оддий табиат кўриниши эмас, балки лирик қаҳрамон психологиясини очиб беришга қаратилган бадиий восита ҳамдир. Мана, бир мисол:

*Оққу оққугинам, оппоқ қушгинам,
Сени кўрсам, бошдан учгай хушгинам.
Оқ кўнглим, оҳ, кўнглим боғлашиб қолди,
Кундуз ҳаёлгинам, оқишом тушгинам.
Ишқингда ўртаниб увлаб юрибман,
Ўтда ёниб, сувда сувлаб юрибман.
Орзумга етолмай, қора қу бўлиб,
Сендек бир оққуни қувалаб юрибман [3:117].*

Шеър образли мушоҳадаларга бой. Унинг ҳар бир мисрасида шоир тафаккурига хос чўқур маъноли фикр ифодаланаётгани сезилиб турибди.

Рустам Мусурмоннинг таниқли қорақалпоқ ижодкори, машҳур нотик Шараф Уснатдиновга бағишланган “Чечан” номли шеъри шакли ва мазмуни жиҳатидан таниқли ўзбек адиби Султон Акбарийнинг “Жўлмирзага ҳазил хат” ва «Оғайн» шеърини эслатади. Бу шеърда Р.Мусурмон устоз адиблардан тортиб замондош ижодкорларининг қиёфасини реал чизиб берган. Ҳар иккала шеърда ҳам ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорлари ўртасидаги дўстона муносабатлар мадҳ этилади. Султон Акбарий “Жўлмирзага ҳазил хат”да бир-бирларига ҳадди сиғадиган қаламкаш замондошларига ҳазил аралаш “салом” йўллаб, улардан ҳол-аҳвол сўрайди:

Хўжабегинг ўч эмасми куймоққа,
Кўк Оролнинг лакқасига, ўйноққа,

Алдаб олиб борардимиз Мўйноққа,
Хануз ялпоқ товонми?

Бойниёзинг тутиб келса чавоқни
Ибройиминг тўлдир деса товоқни,
Бобош қовун деса кади ковоқни,
Кўноқларинг хайронми?...[4:130]

Султон Акбарий мисраларда қорақалпоқ шеърятининг номдор сўз усталари - Хўжабек Сейтов, Бойниёз Қайипназаров, Ибройим Юсупов, Бобош Исмоиловларнинг номларини тилга олган бўлса, Р.Мусурмон қорақалпоғистонлик замондошлари Муратбой Низанов, Ўрозбой Абдурахмонов, Бахтиёр Генжемуратов, Янгибой Кўчқоровлар билан ҳамкорликда “*адабиётга хизмат қилаётгани*”дан мамнун:

Ёнингизда Муратбой ҳам Ўразбой,
Қалам тутган қўли узун, дарозбой.
Хоразмда меҳмон бўлиб қайтдингиз,
Қичқирмасдан овулдаги хўрозбой.
Шарқ сўйлайди бизга куёш ҳақинда,
Лола сўйлар тоғ ила тош ҳақинда.

Бахтиёр мадҳ этди Ўкуздарёни,
Шеър ўқиди Янгибой Шош ҳақинда [3:110].

Шеър халқона содда тил ва самимий руҳда жўшқин қалб билан куйланган. Вазни енгил, кофияланиш тартиби ҳам содда.

“Оғайин” шеърининг охирги банди сўнги мисрасида Султон Акбарий бир сўз қўллайди. Бу оддийгина сўз шеърга миллий рух бериб, гўё уни ёритиб тургандай:

Оғайин, кўп эзма бўлиб кетибман,
Шеър ағдариб туриб салом битибман,
Соғинчимни шундоғ изҳор этибман,
Соғинган тек Султонми [4:131]?!
“Тек” сўзи ўзбек тилида “фақат” деган маънони

англатади. Султон Акбарий “*тек*” сўзини ишлатиб шеърга миллий ранг берган. Ўзини қорақалпоқ ҳаётига, қаламкаш дўстлари даврасига жуда “яқинлаштирган”.

Р.Мусурмон ҳам шеърнинг сўнги бандларидан бирида шундай ёзади:

Кўпайлашиб Оролга эм излайсиз,
Она ернинг ободлигини кўзлайсиз.
Айланайин, тувусқаним, бовурим,
Юртбошимнинг элга меҳрин сўзлайсиз [3:111].

“*Тувусқаним*” сўзининг айнан қорақалпоқча вариантда берилгани тасвирга такрорланмас колорит бериш билан бирга шеърнинг поэтик оҳангини ҳам кучайтирган.

Шеърдан шундай ибратли мантикий хулоса келиб чиқади. Бир пайтлар адабиётлар манфаатига хизмат қилган ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорлари ўртасидаги

самимий, дўстона муносабатлар, ўзаро борди-келдилар, дийдорлашиб туришлар, фикрлашиб тажриба алмашувлар бугун ҳам давом этмоқда. Дийдорлашув сабаб адабиётларимиз дўстлик мавзусидаги янги-янги асарлар билан бойиб бормоқда. Р.Мусурмон Қорақалпоғистоннинг қайси бурчагида бўлмасин, ўзини худди ўз уйидагидек эмин-эркин ҳис қилиб, бу халқнинг меҳмондўстлигини “*меҳмон сахий бўлса, меҳмон оромда*” дея юксак баҳолайди. “Чечан” мана шундай ижодий сафарларнинг, мулоқотларнинг, тажриба алмашувларнинг мевасидир. Шеър шу фазилати билан ҳам бугунги куннинг асари.

Мен Р.Мусурмонни илгари матбуотдаги шеърлари, таржималари ва публицистик мақолалари орқали ғойибона танирдим. Илмий-тадқиқот ишимнинг бир қисми бадиий таржимага боғлиқ бўлганлиги туфайли адабиётлар зарурати юзасидан ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасида у киши билан учрашдим. Ўзбек ва қорақалпоқ адабиётидан қилинган таржималарнинг қиёсий таҳлили учун айрим асарларнинг асл нусхаси кераклигини айтганимда дарров қорақалпоқ адиблари билан боғланиб, улар билан худди минг йиллик қадронлардек сўрашиб, зарур адабиётларни топишимга ёрдам берган. Ўшанда мен Р.Мусурмоннинг қорақалпоқ адиблари билан жуда қалин дўст эканлигига яна бир бор амин бўлганман ва унинг қиёфасида илм ва ижод йўлидаги инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доим тайёр, меҳрибон, адабиёт жонқуяри, олижаноб фазилатлар соҳибини кашф қилганман.

Мақола муқаддимасида Мухтар Шахановнинг адабий дўстлик ҳақидаги фикрларини қайд этганим, хотимада ҳам унинг қуйидаги мисраларини келтиришни жоиз деб билдим:

Дўст кучишдан бўшамасин қўлларим,
Шуни жуда армон қилар дилларим.
Дўстлигимга ишонганлар кам бўлса,
Унда менинг ожизланиб қолганим.

Ўзбек адабиётида ўз ўрнига ва ўз сўзига эга шоир ва таржимон, публицист Р.Мусурмон халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини ўрнатишда ҳеч қачон “*оғизланиб қолмасин*” дегимиз келади. Жаҳон ва қардош халқлар адабий алоқалари тараққиётига серқирра ижоди ва сермахсул таржималари билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган Рустам Мусурмон айна кунларда олтимиш ёшни қаршиламоқда. Биз юбиларимизга мустахкам соғлиқ тилаб, қаламингиз сиёҳи ҳеч қачон тугамасин деймиз!

Адабиётлар

1. Шаханов М. Дўстлик қадр. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1987, 29-май.
2. “Ўзбекистон овози”. 1991, 27 сентябрь.
3. Мусурмон Р. Бир жуфт сўз. – Тошкент: “Адабиёт”, 2022.
4. Акбарий С. Шукрона. Сайланма. – Тошкент: “Ғафур Ғулом”, 1987.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон ижодининг ўзига хос хусусиятлари, қорақалпоқ мавзусидаги шеърларида миллий колорит яратиш маҳорати ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье освещаются уникальные особенности творчества Рустама Мусурмана, народного поэта Каракалпакстана, и его способность создать национальный колорит в своих стихах на тему Каракалпакстана.

SUMMARY. The article highlights the unique features of the work of Rustam Musurman, the national poet of Karakalpakstan, and his ability to create a national color in his poems on the subject of Karakalpakstan.

MAZMUNI

TÁBIYIY HÁM TEXNIKALIQ ILIMLER

Fizika. Matematika. Texnika. Informatika

Jumanov M.A., Matrasulov G.J., Kurbanova G.S. Zamonaviy ta'limni tashkil etish va o'quvchilarda kreativ sifatlarni rivojlantirish	3
Jumamuratov A. Beruniydiń fizika hám astronomiya pánleri rawajlanıwına qosqan úlesi	5
Имамов Э.З., Аскарлов М.А., Исмайлов К.А. Электрические и оптические свойства солнечного элемента с наногетеропереходами	8
Каландаров А.А. Численное моделирование двумерных задач теории упругости на основе неравномерных сеток	10
Комилов М.М. Ўзбекистоннинг реал иклим шароитида қуёш панелларида юзага келадиган нуқсонларнинг таъсирини экспериментал тадқиқотлар асосида аниқлаш	12
Madolimov F.E. Sun'iy intellekt tizimidagi machine learning metodologiyasidan foydalanib prostata saratonini aniqlash	15
Mamatov N.S., Jalelova M.M., Tojiboeva Sh.X. GCF, haralik hám RMS súwret kontrastin etalonsiz bahalaw kórsetkishleri	18
Мухамедиева Д.Т. Норавшан тенгламалар тизимининг компакт ечимини топиш	21
Нарымбетов Б.Ж. Факторы изменения климата в южном Приаралье за 1961-2020 годы	24
Отемуратов Б.П., Халкназаров А.М., Кутлымуратов Б.Ж. Многомерная граничная теорема морера в классической области четвертого типа	27
Тажимуратов У.Р., Самадов Ғ.А., Тажимуратов Р.О., Жуманиёзов Э.Х., Тажимуратов А.У. Автомобил йўлларидаги тирбандликлар муаммолари ва уларни олдини олишнинг замонавий йўллари	29
Утениязов А.К., Есенбаева Э.С., Аннаева Ш.Х., Нсанбаев М.Т. Исследование интегральной токовой чувствительности структуры Al-Al ₂ O ₃ -p-CdTe-Mo	31
Утеулиев Н.У., Сеидуллаев А.К., Даниярова Г.К. Интеграл геометрия мәселесиниң параболалар семьясындағы бир мәселениң орнықлылығы	34

Biologiya. Zoologiya

Жолдасов А.С. Қорақалпоғистон Республикасида қорамол чорвачилигининг ривожланиши ва унинг ҳудудий хусусиятлари	37
Палъанова Г.Ж. Тоғай ҳам егислик экосистема территориясында тарқалған майда кемириўшилериның изертлениў дәрежеси	39
Реймов Қ.Д., Ешмуратов А.Я., Тилепов Ж., Турдыбаева А.Г. Саноат чиқиндиларининг энтомофаунага техноген таъсирини экологик баҳолашнинг умумий таҳлили	42
Зарипов А.А., Усманов П.Б., Есимбетов А.Т., Абдуллаева Н.У., Жўрақулов Ш.Н. F-25 алкалоидининг каламуш аорта препаратига вазорелаксант таъсири	43

Geografiya

Тлеумуратова Б.С., Уразымбетова Э.П. Проблемы запыленности атмосферы естественными источниками	47
---	----

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALIQ ILIMLER

Ekonomika

Махмоннов У.А. Mahsulotlarning sifat ko'rsatkichlarini aniqlash va sifatini baholash (ho'l mevalar misolida)	50
---	----

Tariyx

Xasanov A.O. Turkistonda yangi ta'lim tizimining yuzaga kelish omillari (XIX asr oxiri – XX asr boshlari)	53
Турганов Б.Қ. Жанубий орол бўйи ва хоразмнинг қадимги даврдаги қуролсозлик ҳунармандчилиги	54

TIL BILIMI HÁM ÁDEBIYATTANIW

Til bilimi

Abdiev A. Dástanlarda tuwısqanlıq qarım-qatnaslarǵa baylanıslı sózlerdiń qollanıwı («Húrliqa–Hámire» dástanı misalında)	57
Абдуллаева Р.А. Язык и культура – как система коммуникации	58
Вaxtiyogova M. Badiiy onimlarning konnotativlik xususiyatlari	60
Бердамбетова А.П. Инглис хэм қарақалпақ тиллериндеги инсан интеллектуал хәрекетин вербалластырыўшы фразеологиялық бирликлердиң структур-семантикалық өзгешеликleri	63
Ержанова Д.К. Фразеологизмлер – әҳмийетли лингвопоэтикалық қурал	64
Erjanova D.Q. Sh.Seyitovtiń «Xalqabad» romanınıń leksikalıq o’zgeshelikleri	66
Жолымбетова Ш.А. Г.Дәўлетова шығармаларында теңеўлердиң қолланыўы	69
Каллибекова Г.А. К вопросу о различии дублетов и синонимов	71
Kuttimuratova I. About onomastic names in the territory of shumanaı district	72
Қурбанов М.Д. Қарақалпақстан ойконимлериниң этномәдений өзгешеликleri	74
Nuranova S.G. Balıqshılıq tarawında kásiplik dialektlik sózlerdiń qaraqalpaq hám nemis tillerinde beriliwi	76
Мухаммадияров А. Әдебий шығармаларда келбетликлердиң стильлик хызмети (инглис хэм қарақалпақ тили материаллары тийкарында)	77
Саденова Г.П. Ш.Сейтов шығармаларында жеке авторлық фразеологизмлердиң қолланылыўы	79

Ádebiyattanıw

Azilova Z.G. „Sab’ ai sayyor“ dostonining qoraqalpoqcha tarjiması (XII-XIX boblar misolida)	82
Дабылов П. Қарақалпақ әдебияттаныў илиминде лирикалық субъектниң изертлениў мәселелери	83
Дабылов П. Қарақалпақ әдебияттаныў илиминде лирикалық объект мәселеси	86
Давлетов Б.А. Халық шайырлары дәретіўшилигинде сатира	87
Досымбетова А. Жийенбай Избасқанов лирикасында гүзги пейзаждың сүўретлениў өзгешеликleri	89
Есебаев М.М. Қарақалпақ халық «Ашықлық» дәстанларының атқарылыўы хэм сақланып қалыўында халық бақсыларының тутқан орны	91
Ктайбекова З.К. А.Пазылов гүрриңлериндеги сюжетлик өзгешеликлер	94
Қурамбоева Г. Дүстликка кўприк бұлған ижод (Рустам Мусурмон ижоди мисолида)	96
Матимов К.Г. Қарақалпақ халық той жырларында импровизация қубылысы	99
Сәрсенбаев Қ.Ж. Т.Қайыпбергенов повестлеринде көркем деталдың хызмети («Уйқысыз түнлер», «Тәнхә өзиңе мәлим сыр» повестлери мысалында)	100
Сейтниязова Г.М. Аўдарма өнери хэм оның әдебиятларды байланыстырыўдағы хызмети	102
Sultanova J. Túrk xalıq ertekleri hám onıń qaraqalpaq folklorına baylanıs máseleleri	104

USTAZLAR SHEJRESI

Исмайлов Қ. Еки илимди ийелеген устаз хэм илимпаз	107
Кощанов К.М. Известному ученому, доктору сельскохозяйственных наук, профессору НГПИ им. Ажинияза Ажимурату Жумамуратову - 70 лет	108
Sultanov B. Akademik Jumanazar Bazarbaevtiń ómir jolı	108

QUTLIQLAYMIZ!!!



2023-jılı 25-27-oktyabr kúnleri Berdaq atındaǵı Qaraqalpaq mámleketlik universitetinde joqarı oqıw orınları talabaları arasında matematika páninen Muxammad al-Xorazmiy atındaǵı ekinshi Xalıq-aralıq olimpiadası (Al-Khorezmi International Mathematical Olympiad for University Students (AKHIMO2023))na pedagogikalıq institutımızdan B.B.Prenov (Team Leader), A.Xodjaniyazov (Team adviser), matematika-informatika fakulteti 2-kurs talabalarınan I.Naurızbaev, B.Allakutov, K.Ibadullaev, M.Genjalievler qatnasıp, nátiyjede I.Naurızbaev 3-orındı (Third Prize Diploma hám bronza medal), B.Allakutov, K.Ibadullaev hám M.Genjalievler – tiyislisinshe sertifikatlar menen sıylıqlandı.

«Ilm hám jámiyet» jurnalı jámááti xalıq aralıq olimpiada jeńimpazların qutlıqlaydı hám olarǵa aldaǵı jumıslarında tabıslar tileydi.

MATEMATIKA PÁNINEN XALÍQ-ARALÍQ OLIMPIADA QATNASÍWShÍLARÍNÍN JETISKENLIKLERI

2018-jıldn 26-31-oktyabr kúnleri Urgench mámleketlik universitetinde joqarı oqıw orınları talabaları arasında matematika páninen Muxammad al-Xorazmiy atındaǵı birinshi Xalıq-aralıq olimpiadasına pedagogikalıq institutımızdan (Al-Khorezmi International Mathematical Olympiad for University Students (AKHIMO 2021)) na B.B.Prenov (Team Leader), A.Xodjaniyazov (Depute Team Leader), matematika-informatika fakulteti talabalarınan Sh.Urozmatov, X.Abdullaev, A.Iskenderov hám N.Sultanovlar qatnasti. Nátiyjede Sh.Urozmatov hám X.Abdullaev - Honourable Mention (húrmet jarlıqlar)ın alıwǵa miyasar boldı.

2021-jıldn 4-5-mart kúnleri Berdaq atındaǵı QMUda Ózbekstan Respublikası Ilimler Akademiyasınıń, V.I.Romanovskiy atındaǵı Matematika instituti hám Berdaq atındaǵı QMU tárepinen shólkemlestirilgen Nókis qalasında jaylasqan joqarı oqıw orınlarınnıń student qızları arasında Matematika páni boyınsha olimpiada bolıp ótip, onda institutımızdń fizika-matematika fakultetinen bir neshe talaba qızlar qatnasti. Nátiyjede R.Raximboeva (4-v MOM) – 2-dárejeli diplom menen sıyılıqlandı.

Al, 2021-jil 5-8-may kúnleri Turkmenistan Respublikası Ashxabad qalasınıń gumanitar hám rawajlanıw xalıq aralıq universitetinde (IUHD) onlayn formatta Open Mathematical Olympiad for University Students OMOUS bolıp ótti. Pedagogikalıq institutnıń fizika-matematika fakulteti MOM talabalarınan S.Babajanov, A.Kazbaev, S.Kurbanbaev, R.Raximboeva, Sh.Kojamuratova, S.Davlatboeva, N.Sultanov, magistrlerden M.Dushiev hám L.Bekimmatova qatnasti. Nátiyjede S.Babajanov, A.Kazbaev, S.Kurbanbaev, R.Raximboeva, Sh.Kojamuratovalar 3-orın (Third Prize Diploma)dı; S.Davlatboeva – Honourable Mention Diploma diplomın alıwǵa miyasar boldı.

2022-jil 5-8-aprel kúnleri jánede usı universitette ótken onlayn formattaǵı olimpiada da fizika-matematika fakulteti talabalarınan S.Babajanov, A.Kazbaev, Sh.Kojamuratova hám A.Baxievler qatnasıp 3-orın (Third Prize Diploma)dı alıwǵa miyasar boldı.

2022-jil 20-21-oktyabr kúnleri onlayn formatta Novosibirsk mámleketlik universiteti (NGU) tárepinen shólkemlestirilgen Sibirskaya matematicheskaya olimpiada (Otkritaya mejdunarodnaya mejvuzovskaya olimpiada po matematike) ótkerildi. Olimpiada eki individual hám komandalıq kategoriyǵa bólindi: 1-kategoriya birinshi kurs talabaları, 2-kategoriya 2-6 kurs talabaları ushın. Olimpiadaǵa fizika-matematika fakultetiniń 1-kurs MI talabalarınan: D.Polatova, B.Allakutov, I.Naurızbav, K.Ibadullaev, M.Genjaliev, P.Sultamuratova, 4-kurs MOM talabalarınan S.Babajanov, A.Kazbaev, Sh.Kojamuratova, Q.Sarsenbaev hám A.Baxiev (3-a MI)leer qatnasıp, nátiyjede D.Polatova, B.Allakutov, I.Naurızbaev, K.Ibadullaev, P.Sultamuratovalar komandalıq esapta 3- orındı jeńip aldı. Sonday-aq, D.Polatova jeke táriptede 3-orındı iyeledi.



Dıqqat, jazılıw - 2024!

Húrmetli, jurnal oqıwshıları! Eger, Siz ilim, tálim-tárbiya hám oqıtıwdıń jańa zamanagóy usılları, jańalıqları menen óz waqtında jaqınnan tanıspaqsı, ózińizdiń usı tarawdağı jetiskenliklerińiz hám oy-pikirlerińiz benen ortaqlaspaqsı bolsańız, «Ilim hám jámiyet» jurnalına 2024-jıl ushın jazılıwǵa mirát etemiz.

Biziń jurnalımızda barlıq tarawlar boyınsha ilimiy, ilimiy-metodikalıq maqalalar járiyalanadı.

«Ilim hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirler kabineti janındaǵı Joqarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń qararı menen tómende kórsetilgen pánler boyınsha ilim doktorı dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolǵan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00 – biologiya ilimleri;
- 05.00.00 – texnika ilimleri;
- 07.00.00 – tariyx ilimleri;
- 10.00.00 – filologiya ilimleri;
- 11.00.00 – geografiya ilimleri;
- 13.00.00 – pedagogika ilimleri;
- 19.00.00 – psixologiya ilimleri.

Jazılıw bahası - 360.000 (úsh júz alpıs mıń) swm.

<i>Redakciya mánzili: Nókis qalası, P.Seytov kóshesi, n/j.</i>	<i>«Ilim hám jámiyet» jurnalınıń esap beti:</i>
<i>Indeks: 230100, Telefon: +998612294086; +998939205495.</i>	<i>BANK: MB BB XKKM Toshkent shahri</i>
<i>Veb sayt: journal.ndpi.uz; el.pochta: fanvajam@mail.ru</i>	<i>Esap beti: 2340 2000 3001 0000 1010</i>
<i>JURNALDÍN BASÍP SHÍGARILWÍNA JUWAPKER:</i>	<i>MFO: 00014; INN: 200 357 981</i>
<i>Ájiniyaz atındaǵı NMPI baspaxanası.</i>	<i>Jeke esap beti: 4001 1086 0354 0170 9410 0079 001</i>

<i>Maqalalardıń mazmunına hám durılıǵına avtorlar juwapker, olardıń pikirleri redakciyanıń pikirleri bolıp esaplanbaydı</i>	<i>Jurnalǵa jıl dawamında jazılǵan avtorlardıń miynetleri birinshi gezekte járiyalanadı. Maqala kólemi 5 betten kem bolmawı, 7 betten aspawı kerek.</i>
<i>Jurnal 1992-jıldan shıǵa basladı ISSN 2010-720X Indeksi: Jeke puqaralar ushın – 2101. Mákemeler ushın – 2102.</i>	<i>Basıwǵa ruxsat etildi: 18.12.2023 Buyırta: №0012 Format: 60x84 1/8 Kólemi: 14 b/t. Jurnal jılına 4 márte shıǵadı. Nusqası : 320 dana. Reestr № 11-3084</i>